# СУРЪАТНИ ОШИРАЙЛИК!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

| | | |
|---|---|---|
| Халқ хўжалигидаги иш ҳақи фонди | 6,6 | 5,0 |
| Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи | 4,9 | 2,1 |
| Колхозчиларнинг колхозлар жамоат хўжалигидаги ўртача ойлик меҳнат ҳақи | 6,5 | —2,1 |
| Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига бериладиган тўлов ва имтиёзлар | 3,0 | 3,9 |
| Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар обороти (амалдаги нархларда) | 7,9 | —0,1 |
| Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар | 21,4 | 13,6 |
| Халқ хўжалигидаги фойда | 9,5 | —5,4 |

Саноат маҳсулоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 527,2 миллион сўмлик миқдорда кўпайди. Давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағлари ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фондлари маблағлари ҳисобидан 1987 йилнинг тўққиз ойига нисбатан 65,2 миллион сўм кўп асосий фондлар ишга туширилди. Чакана товар обороти ва пулли хизматлар ҳажми 1,1 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди.

**Молиявий натижалар.** Январь-сентябрь ойларида фойда олиш плани 6,4 процент ошириб бажарилди, пландан ташқари 191,2 миллион сўм фойда олинди.

Фойдадан тўловлар ва оборот солиғидан тўловлар тарзида январь-сентябрь мобайнида давлат бюджетга тушумлар 4,3 миллиард сўмни ташкил этди ёки план 104 процент бажарилди.

Шу билан бирга саноат корхоналарининг 21 проценти ва пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг 13 проценти фойда олиш планини уддаламади.

Бир қанча ҳолларда корхоналар ўз рентабеллигини ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳисобига эмас, балки маҳсулот нархини асоссиз кўтариш натижасида ошириб олмоқдалар.

## II. СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ

**Аҳолининг иш билан таъминланиши.** Январь-сентябрь ойларида халқ хўжалигида 5 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчи ҳамда 949 минг колхозчи ишлади. Хўжалик юритишнинг интенсив усулларига ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитига ўтилиши муносабати билан ишлаб чиқариш тармоқларидаги давлат корхоналари ва ташкилотларидан 100 мингга яқин киши бўшатиб олинди.

1 октябрга қадар барча турдаги кооперативларда 49 мингдан кўпроқ киши ишлади. Кооперативларда ишлаб турган ҳамма кишиларнинг ярмидан кўпроғи давлат корхоналари ва ташкилотларидан ўтган ёки кооперативларнинг ишида ўриндошлик шароитида қатнашаётган ишчи ва хизматчилардир.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти соҳасида ишлаб турган ходимлар 28 минг кишига етди.

**Аҳолининг даромадлари.** Ишчи ва хизматчиларнинг халқ хўжалигида пул билан олган ўртача иш ҳақи ўтган йилнинг шу давридаги 165 сўмдан 173 сўмга, колхозчиларнинг колхозлар жамоат хўжалигидаги меҳнат ҳақи 116 сўмдан 123 сўмга етди. Бир қанча корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ошишидан илдамроқ борди.

Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўлов ва имтиёзлар кўпайди. Аҳоли 5,6 миллиард сўмлик ёки ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан 3 процент кўп мана шундай тўлов ва имтиёзлар олди.

Колхоз аъзоларига ва улар оилаларига ўн йилдан ортиқ вақтдан бери тўлаб келинаётган пенсияларнинг энг оз миқдори оширилди.

Медицина хизмати кўрсатишни ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилашга аталган маблағлар кўпайтирилди. Соғлиқни сақлаш муассасаларида беморларнинг овқатига, дори-дармон, асбоб-ускуна ва анжомлар сотиб олишга аталган харажатлар нормалари оширилди. 3 ёшгача бўлган болаларни даволаш учун дорилар энди бепул берилмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шароитини, шунингдек ўрта ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг моддий таъминотини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар амалга оширилди.

Оилавий бюджетларни ўрганиш маълумотларига кўра, меҳнаткашларнинг жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари 1987 йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш харажатлари ошди: озиқ-овқат маҳсулотларини ишчи ва хизматчилар 3,7 процент, колхозчилар 4,2 процент, ноозиқ-овқат маҳсулотларни ишчилар 5,3 процент ва колхозчилар 2,5 процент кўп сотиб олдилар.

Аҳолининг омонат банки муассасаларидаги омонатлари 1988 йилнинг 1 октябригача салкам 6 миллирад сўмни ташкил этди.

### ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ.

1988 йилнинг тўққиз ойида 7 миллиард сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли моллари (алкоголли ичимликлар қиймати бу ҳисобга кирмайди) ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 554 миллион сўмлик кўпдир.

ЭНГ МУҲИМ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ишлаб чиқаришга оид маълумотлар қуйидагича:

| | 1988 йил январь-сентябрида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш проценти | 1988 йил январь-сентябрида 1987 йилнинг январь-сентябрига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна | 202 | 96 | 108 |
| колбаса маҳсулотлари, минг тонна | 41,9 | 99 | 98 |
| мол ёғи, минг тонна | 11,7 | 104 | 105 |
| қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари (сутга айлантириб ҳисоблаганда), минг тонна | 490 | 103 | 105 |
| маргарин маҳсулотлари, минг тонна | 20,9 | 102 | 100,3 |
| ўсимлик ёғи, минг тонна | 343 | 103 | 96 |
| кондитер маҳсулотлари, минг тонна | 139 | 104 | 112 |
| минерал сув, миллион декалитр | 8,8 | 101 | 107 |
| алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 14,4 | 101 | 108 |

Баъзи корхоналар ҳамон сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Январь-сентябрь ойларида давлат савдо инспекцияси текширилган гўштнинг 27 процентини, колбаса маҳсулотларининг 23 процентини, маргариннинг 45 процентини, сариёғнинг 15 процентини, пишлоқнинг 41 процентини, кондитер маҳсулотларнинг 17 процентини, алкоголсиз ичимликларнинг 31 процентини брак қилди.

Халқ учун ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13 процент кўпайди. Шу молларни ишлаб чиқаришга оид батафсилроқ маълумотлар қуйидагича:

| | 1988 йил январь-сентябрида ишлаб чиқарилгани | Топшириқнинг бажарилиш проценти | 1988 йил январь-сентябрида 1987 йилнинг январь-сентябрига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|---|
| Ип-газлама, миллион квадрат метр | 332 | 91 | 111 |
| жун газлама, минг квадрат метр | 535 | 105 | 105 |
| шойи газлама, миллион квадрат метр | 104 | 102 | 104 |
| трикотаж буюмлар, миллион дона | 79,5 | 97 | 112 |
| пайпоқлар миллион жуфт | 71,5 | 98 | 118 |
| пойафзал, миллион жуфт | 31,5 | 105 | 108 |
| холодильник ва морозильниклар, минг дона | 120 | 95 | 114 |
| мебель, миллион сўмлик | 186 | 97 | 112 |
| чинни-фаянс идишлар, миллион сўмлик | 53,7 | 101 | 105 |
| сирланган пўлат идишлар, миллион сўмлик | 23,6 | 70 | 82 |

Ҳали ҳам анчагина корхоналар аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш топшириқларини уддаламаяпти.

Тўққиз ой якунлари юзасидан СССР Қораметаллургия министрлиги ва СССР Рангли металлургия министрлигининг СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигининг, СССР Ўрмон саноати министрлигининг («Узбеклеспром» савдо-саноат бирлашмаси), СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва бошқа министрликларнинг ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналари топшириқни бажармади.

Ўтган давр мобайнида истеъмолчилар 6 миллион сўмлик мебелни, 10 миллион сўмлик сирланган пўлат идишларни кам олдилар. Ип газламалар, тикувчилик саноати маҳсулотлари, трикотаж ва пайпоқлар ишлаб чиқариш тўққиз ойлик топшириқлари бажарилмади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг анчагина қисми истеъмолчилар билан келишиб олинган хилларига мос келнархлар бўйича реализация қилинадиган алоҳида модали маҳсулот етказиб бериш топшириғининг бажарилмаслигига олиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг 13 та корхона ва бирлашмаси (барча корхона ва бирлашмаларининг 17,3 проценти) ўтган даврда шартномавий мажбуриятларига риоя этмади, улар истеъмолчиларга 31 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни етказиб бермади.

Енгил саноат маҳсулотининг умумий ҳажми чакана нархлардан 12 процент кўпайди. Бу ўсиш асосан шартномавий нархлар бўйича реализация қилинадиган алоҳида моддали маҳсулотлар ҳамда «Янгилик» белгиси қўйиб чиқариладиган ва чакана нархларига устама белгиланган сифати яхшиланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига ҳосил қилинди. Шу билан бирга оммавий талаб қилинадиган бир қанча молларни етказиб бериш камайди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг улгуржи ташкилотлари текшириб кўрилган трикотаж, тикув маҳсулотлари, пойафзал ва газламанинг 6-18 процентининг сортини пасайтирди ва камчиликларни тузатиш учун қайтариб юборди. Хоразм, Бухоро ва Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Чортоқ тикув-трикотаж фабрикаси, Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд трикотаж фабрикаси, Наманган, Бухоро пойафзал фабрикалари, Тошкент 1- ва 2-пойафзал фабрикалари паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирдилар.

### ЧАКАНА ТОВАР ОБОРОТИ ВА ПУЛЛИ ХИЗМАТЛАР

Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти январь-сентябрь ойларида 11,2 миллиард сўмни ташкил этди ва 1987 йилнинг шу давридагига нисбатан 0,8 миллиард сўм юқори бўлди. Умумий ҳажмда чакана товар обороти плани 78 миллион сўм ортиғи билан бажарилди. Шу билан бирга Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Сирдарё областларида бу план бажарилиши таъминланмади.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарлар сотилиши қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади (қиёсий нархларда: миллион сўм):

| | 1988 йил январь-сентябрида сотилгани | 1988 йил январь-сентябрида 1987 йилнинг январь-сентябрига нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Гўшт ва гўшт маҳсулотлари | 1065 | 106 |
| Балиқ ва балиқ маҳсулотлари | 56 | 103 |
| Мол ёғи | 107 | 102 |
| Ўсимлик ёғи | 180 | 106 |
| Маргарин маҳсулотлари | 36 | 98 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари | 138 | 105 |
| Пишлоқ | 11 | 98 |
| Тухум | 125 | 118 |
| Қанд-шакар | 203 | 104 |
| Кондитер маҳсулотлари | 332 | 106 |
| Чой | 130 | 102 |
| Дон маҳсулотлари, миллион тонна | 2,3 | 103 |
| Картошка, миллион тонна | 0,2 | 97 |
| Сабзавот, миллион тонна | 0,4 | 114 |
| Мева ва цитрус мевалари, миллион тонна | 0,1 | 113 |
| Алкоголсиз ичимликлар, миллион декалитр | 9 | 111 |
| Минерал сувлар, миллион декалитр | 8 | 105 |
| Мева ва сабзавот шарбатлари, миллиард шартли банка | 0,1 | 112 |
| Арақ ва арақ-ликёр маҳсулотлари, миллион декалитр | 2,6 | 103 |
| Узум виноси, миллион декалитр | 2,2 | 103 |
| Шампан виноси, миллион декалитр | 0,4 | 103 |
| Коньяк, миллион декалитр | 0,2 | 106 |
| Пиво, миллион декалитр | 9 | 113 |
| Тамаки маҳсулотлари | 168 | 102 |
| Кийим-кечак, ич-кийим жилдлари ва газлама | 1565 | 107 |
| Трикотаж буюмлар | 423 | 101 |
| Пайпоқлар | 95 | 106 |
| Чарм пойабзал | 518 | 109 |
| Чинни-фаянс, майолика ва шиша идишлар | 96 | 103 |
| Совун ва синтетик ювиш воситалари | 75 | 111 |
| Мебель | 242 | 107 |
| Холодильник ва музхоналар, минг дона | 118 | 108 |
| Шу жумладан 200 куб дициметр ва ундан ҳам кўп сиғимдаги камерали холодильниклар ва музхоналар | 53 | 116 |
| Кир ювиш машиналари, минг дона | 166 | 107 |
| Электр чанг ютгичлар, миллион дона | 0,1 | 123 |
| Соатлар, миллион дона | 1,3 | 98 |
| Фотоаппаратлар, минг дона | 59 | 126 |
| Радиоприёмник қурилмалар, миллион дона | 0,3 | 94 |
| Телевизорлар, миллион дона | 0,2 | 96 |
| Шу жумладан, рангли тасвирдаги телевизорлар | 0,1 | 124 |
| Магнитофонлар, миллион дона | 0,2 | 114 |
| Спорт товарлари (кийим-кечак ва пойабзалдан ташқари) | 26 | 103 |
| Велосипед ва мопедлар, миллион дона | 0,3 | 101 |
| Мотоцикл ва мотороллерлар, минг дона | 67 | 103 |
| Енгил автомобиллар, минг дона | 92 | 115 |
| Ёғоч материаллар, миллион куб метр | 1,6 | 112 |
| Шифер, миллион шартли тахта | 0,4 | 108 |
| Автомобиль бензини, миллион тонна | 0,4 | 116 |

Савдо-сотиқ ҳажми ўсганлигига қарамай, аҳолини кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, гўшт билан таъминлаш муаммоси ўткир бўлиб қолмоқда.

Маҳаллий таъминот ресурсларини кўпайтириш учун гўшт етиштиришни ошириш борасида ҳамма ерда ҳам етарлича активлик кўрсатилмаяпти. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Андижон, Қашқадарё, Хоразм ва Наманган областларида аҳоли жон бошига гўшт ва парранда гўшти ниҳоятда кам сотилган. Аҳолининг кондитер маҳсулотларига ўсган талаби қондирилмаяпти, республиканинг бир қанча районларида кондитер маҳсулотларининг кўпгина турлари ниҳоятда тақчил бўлиб қолди.

Савдо тармоқларига келтирилаётган картошка ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ва турлари етарли эмас. Ностандарт ва брак маҳсулотлар салмоғи савдода жуда катта ўринни эгалламоқда.

Тўққиз ой мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларига қўйилган колхоз бозори нархи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7 процент, гўшт — 5 процент, мева — 17 процент, картошка — 28 процент ошган; сабзавотлар нархи 1,6 процент камайган. Колхоз бозори нархларининг даражаси айрим маҳсулотлар юзасидан давлат чакана нархларидан 3-5 баравар юқори бўлди.

Савдога замонавий, харидоргир товарлар кўплаб чиқарила бошлади. Шу билан бирга кўпгина районларда тикилган, трикотаж буюмларнинг айрим турлари ва айниқса, пойафзал етишмаётганлиги сезилиб турибди. Истеъмолчилар мебель, рўзғор техникаси, телерадио аппаратлар, болаларга аталган товарлар ва бошқаларни харид қилишда анча қийинчиликка учрамоқдалар.

Ёғоч ва қурилиш материалларининг, айниқса, маҳаллий материалларни сотиш умуман кўпайганига қарамай, бундай материалларнинг кўпгина турларига талаблар қондирилмаяпти.

Аҳолига кўрсатилган пулли хизматлар ҳажми 1323,5 миллион сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 233,2 миллион сўм кўпайди. Бу хизматларни реализация қилиш плани фақат Наманган ва Хоразм областларининг корхоналарида бажарилди. Пулли хизматларни реализация қилиш плани бўлган жами министрлик ва идораларнинг 70 проценти бу планни уддалай олмади. СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги, СССР Медицина ва биология саноати министрлиги, СССР Нефть ва химия саноати министрлиги корхоналари ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Савдо ва маиший хизмат корхоналарининг кўпчилиги илгаригидек меҳнаткашлар асосий оммаси учун ноқулай бўлган вақтда ишламоқда. Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети ўтказган тадқиқотлар маълумотларига кўра, давлат савдосидаги ноозиқ-овқат магазинларининг 94 проценти ва озиқ-овқат магазинларининг учдан бир қисми аҳолига хизмат қилиш учун соат 9 дан кейин очилар экан. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари магазинларининг 80 проценти ва озиқ-овқат магазинларининг 40 проценти соат 20 гача ёпилади. Маиший хизмат корхоналарининг атиги 3,7 проценти икки сменада хизмат кўрсатмоқда. Бир сменали корхоналарнинг 55 проценти буюртмаларни соат 9 дан 17 гача қабул қилади.

Товар ресурсларининг етишмаслиги, савдо ва маиший хизмат корхоналари иш режимининг қониқарсизлиги навбат кутиб туришларга, меҳнаткашларнинг бўш вақтини, баъзан эса иш вақтини товарлар харид қилиш ва хизматдан фойдаланишга асоссиз равишда сарфлашга, хизмат кўрсатиш маданиятининг пасайиб кетишига олиб келмоқда.

**Уй-жой ва социал-маданий қурилиш.** Давлат марказлашган капитал маблағлари ва корхона ҳамда ташкилотлар фондлари маблағлари ҳисобидан январь-сентябрь ойларида умумий саҳни 2,2 миллион квадрат метрли уй-жой фойдаланишга топширилди, бу планда белгиланганидан камдир. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 51 минг квадрат метр кам уй-жой фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Фарғона, Хоразм областлари ва Тошкент шаҳри план топшириқларини уддалай олмадилар.

Уй-жой фондини капитал ремонт қилиш сифати яхшиланмаяпти, белгиланган муддатларга амал қилинмаяпти. Ремонт қилинган уйларнинг қарийб 13 проценти белгиланган муддатни бузиб, фойдаланишга топширилмоқда. Сўраб чиқилган аҳолининг 13 процентдан кўпроғи капитал ремонт сифатини қониқарсиз деб баҳолади.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг турар жой фонди 1 октябргача топшириқда белгиланган майдоннинг 78 проценти, Самарқанд областида — 47 проценти, Фарғона — 67 проценти, Тошкент шаҳрида — 51 проценти қишда фойдаланишга тахт қилинган. Иссиқлик таъминоти объектларини тайёрлашда қолоқликка йўл қўйилган. Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Хоразм областларида тайёргарлик даражаси, айниқса, паст. Бирорта ҳам областда авария ҳолатидаги иссиқлик тармоқлари батамом алмаштирилмаган.

Тўққиз ой мобайнида 151,5 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 22,4 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 1,9 минг ўринли касалхоналар ва бир сменада 5,9 минг кишини қабул қиладиган амбулатория поликлиника муассасалари, 5,2 минг ўқувчига мўлжалланган ҳунар-техника билим юртлари, 3,5 минг ўринли клублар ва маданият уйлари қуриб битказилган. Умумий таълим мактаблари, касалхоналар, ҳунар-техника билим юртлари, шунингдек, клуб ва маданият уйларини фойдаланишга топшириш тўққиз ойлик плани бажарилмади. Бухоро, Самарқанд, Сирдарё областларида умумий таълим мактаблари; Андижон, Қашқадарё, Фарғона областларида касалхоналар; Фарғона областида ҳунар-техника билим юртлари, Қашқадарё областида клуб муассасаларини фойдаланишга топшириш плани бажарилишини таъминламадилар.

**Халқ маорифи.** Бошланган ўқув йилида кундузги умумий таълим мактабларида 4,5 миллион ўқувчи таълим олмоқда. 530 мингдан кўп бола биринчи синфга қабул қилинди, шулардан 30 минг кичкинтой мактабгача тарбия муассасаларида биринчи синф программаси бўйича ўқитилмоқда. Аввалги йиллардагидек мактаб ўқувчиларининг қарийб чорак проценти иккинчи ёки учинчи сменаларда шуғулланмоқда.

Ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқувчилар қарийб 290 минг, олий ўқув юртларида — 308 минг кишини ташкил этади. Кириш имтиҳонлари якунларига кўра, олий мактабларнинг кундузги бўлимларига 37 минг киши қабул қилинган.

**Суд статистикаси** маълумотларига кўра, кейинги йилларда юзага келган махбусларнинг камайиши тенденцияси ўтган давр мобайнида сақланиб қолди. Безорилик учун ҳукм қилинган кишилар 43 процент, давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаганлик учун жазоланганлар — 11 процент камайди. Транспорт ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиб, оғир оқибатлар келтирганлик учун ҳукм қилинган шахслар унча камаймади.

1987 йилда биринчи маротаба наркотик моддаларни кам миқдорда ғайри қонуний харид қилиб, сотишни кўзда тутмай сақлаганлик учун, шунингдек, уларни истеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилди. Наркотиклар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч баравар камайди.

**Атроф-муҳит муҳофазаси.** Атмосферага зарарли моддаларни чиқариб ташлаш 1987 йилнинг шу даврига нисбатан 104,5 минг тонна, шу жумладан, Тошкентда 0,6 минг тонна камайди.

Шу билан бирга республиканинг Фарғона, Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, Қўқон сингари саноат марказларида атмосфера юқори даражада булғангани кузатилган. «Аҳангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро графит-гипс комбинати, Янгиқўқон химия заводи ва Оҳангарон «Сантехлит» заводи, «Каракалпакстройматериали» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ангрен резина-техника заводи ҳавога 1987 йилнинг шу давридагига нисбатан кўп булғатувчи модда чиқарди.

Ўзбекистон ССР атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш давлат инспекцияси 110 та саноат корхонасида атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариб ташлаш нормативларини ошириб юборганлиги туфайли ва табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлиги муносабати билан технология ускуналаридан фойдаланишни таъқиқлади ва уларни тўхтатиб қўйди.

Қувасой цемент комбинатида газ-чанг тутқич қурилмалар фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга СССР Химия саноати министрлиги, СССР Рангли металлурия министрлиги, СССР Газ саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналари табиатни муҳофаза қилиш объектлари қуриш ва фойдаланишга топшириш планини, шунингдек, табиатдан оқилона фойдаланиш тадбирларини бажармаяптилар.

## III. МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### САНОАТ

Тўққиз ой ичида давлат буюртмасига биноан ва бевосита алоқалар асосида маҳсулот етказиб бериш юзасидан **шартнома мажбуриятлари** 1987 йилнинг тўққиз ойи давомидаги 97,3 процент ўрнига 98,5 процент бажарилди. Бирлашмалар ва корхоналарнинг 22 проценти шартнома интизомини бузди ва улар ўтган йилнинг шу давридаги 352 миллион сўмга нисбатан 210 миллион сўмлик маҳсулотни етказиб бермадилар.

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш** 3,5 процент, жумладан, истеъмол буюмлари («Б» группаси) ишлаб чиқариш 7,5 процент, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш («А» группаси) 2,0 процент кўпайди. **Меҳнат унумдорлиги** 2,6 процент ошди. Маҳсулот кўпайишининг 77 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Айни вақтда меҳнат унумдорлигининг ошиши иш ҳақининг ўсишидан орқада қолмоқда.

1988 йилнинг тўққиз ойи давомида Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноатининг, (жумладан, Иттифоқ қарамоғидаги саноатнинг) иши тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича (процент ҳисобида):

| | Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши | Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар салмоғи | Амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажми | Амалдаги ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон АССР | 99,0 | 15 | 1,4 | —0,5 |
| Андижон области | 98,5 | 23 | 4,1 | —1,5 |
| Бухоро области | 99,0 | 20 | 16,4 | 11,6 |
| Қашқадарё области | 98,1 | 23 | 12,7 | 10,2 |
| Наманган области | 99,2 | 21 | 3,4 | —0,3 |
| Самарқанд области | 98,5 | 21 | 1,5 | 1,5 |
| Сурхондарё области | 99,4 | 16 | —5,4 | —8,8 |
| Сирдарё области | 98,5 | 11 | —7,2 | —10,2 |
| Тошкент области | 97,3 | 35 | —1,0 | 1,5 |
| Фарғона области | 99,3 | 16 | 1,8 | 1,3 |
| Хоразм области | 99,5 | 17 | 11,6 | 3,9 |
| Тошкент шаҳри | 98,3 | 24 | 7,7 | 8,3 |

Саноатда 124 та участка, цех комплекс механизация ва автоматлаштиришга ўтказилди, 170 тадан ортиқ механизациялаштирилган поток ва автомат линия ўрнатилди, 18 та роботи ва рақамли программа асосида бошқариладиган 84 та станок жорий этилди.

Янги объектларда ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи яхшиланмаяпти. Текшириб чиқилган ҳамда 1987 — 1988 йилларда ишга туширилган ва реконструкцияланган объектларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи ўрта ҳисобда атиги 64 процент иш билан таъминланган. Текширилган объектларда лойиҳадаги қувватларни ўзлаштиришдаги қолоқлик туфайли маҳсулотнинг умумий нобуд бўлиши 50 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди.

Олий сифат категориясидаги маҳсулот ҳажми ўтган йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан кўпайди. Айни вақтда бир қанча корхоналарда стандартларга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда, шунинг натижасида маҳсулотга Давлат қабули шароитида ишлаётган 45 та корхонада тўққиз ой ичида маҳсулотнинг 7 проценти, яъни 159 миллион сўмлик маҳсулот биринчи тақдим этишда қабул қилинмади. 1,4 миллион сўмлик маҳсулот бутунлай брак қилинди.

Саноат корхоналари январь-сентябрь ойларида фойда олиш планини 100,8 процент бажардилар. Саноат корхоналарига нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чоралари уларнинг молиявий натижаларига катта таъсир кўрсатмоқда: январь-сентябрь ойларида шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлик учун тўланган 46,4 миллион сўмлик жарима олинган фойда миқдорини 2,6 процент қисқартирди.

**Халқ хўжалиги комплексларида** 1988 йил тўққиз ой давомида иш кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан характерланади (процент ҳисобида):

| | Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларининг бажарилиши | Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар салмоғи | Амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот (ишлар, хизмат)лар ҳажми | Амалдаги ўсиш суръатлари: Меҳнат унумдорлиги |
|---|---|---|---|---|
| Ёқилғи-энергетика комплекси | 99,2 | 15 | —1,7 | —0,3 |
| Металлургия комплекси | 96,6 | 55 | —2,3 | 1,3 |
| Машинасозлик комплекси | 98,4 | 46 | 11,1 | 10,7 |
| Химия-ўрмон комплекси | 98,0 | 37 | 6,2 | 6,1 |
| Агросаноат комплекси | 98,9 | 22 | 0,4 | —1,2 |
| Социал комплекси (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги) | 98,8 | 17 | 7,7 | 4,7 |
| Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Госстройи) | 97,4 | 57 | 2,6 | 4,7 |

**Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари** нефть ва газ қазиб олиш топшириқларини ошириб бажардилар. Бироқ кўмир қазиб олиш плани бажарилмай қолди.

Комплекснинг бир қанча бирлашма ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини тўла даражада бажармадилар. Умуман комплексда 4 миллион сўмлик, жумладан, СССР Кўмир саноати министрлиги корхоналари 3,9 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермадилар.

**МЕТАЛЛУРГИЯ КОМПЛЕКСИ** корхоналари пўлат ва прокат ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармадилар, ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайтириб юбордилар.

Йўл қўйилган қолоқлик истеъмолчилар олдидаги шартнома мажбуриятларини тўла бажариш имконини бермади. Маҳсулот етказиб беришда СССР Қора металлургия саноати министрлигининг корхоналари (шартнома мажбуриятлари 88,5 процент бажарилди) ва СССР Рангли металлургия саноати министрлиги корхоналари (97,9 процент) энг кўп қолоқликка йўл қўйдилар.

**МАШИНАСОЗЛИК КОМПЛЕКСИ** маҳсулотининг ўсиши саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг ўсишидан 3,2 баравар илгарилаб кетди.

Бу йил 116 хил номдаги машина, ускуна, аппарат ва приборлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Машинасозлик комплексининг маҳсулоти янгиланди. Айни вақтда СССРда илк бор ўзлаштирилган маҳсулотнинг ялпи салмоғи бир қанча министрликларнинг корхоналарида пасайди:

| | СССРда илк бор ўзлаштирилган маҳсулотнинг ялпи салмоғи, товар маҳсулот ҳажмида, процент ҳисобида: январь-сентябрь 1987 йил | 1988 йил |
|---|---|---|
| Жами | 8,8 | 5,7 |
| СССР Оғир машинасозлик министрлиги | — | 2,8 |
| СССР Электротехника саноати министрлиги | 4,4 | 1,9 |
| СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги | 18,3 | 13,7 |
| СССР приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги | — | 3,2 |
| СССР трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги | 16,6 | 9,2 |
| СССР Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги | — | 2,2 |

(Давоми тўртинчи бетда).

